

ИСМОИЛЖОН АЛИЕВ
ҲАБИБУЛЛОҲ ИСОМИДДИН
КОМИЛЖОН ҲАКИМ
ҒАНИ МАЖИД

МЕҲР УЛАШИБ

Тўплам

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

ISBN 978-9943-08-185-7

© «Меҳр улашиб» (тўплам). «Янги аср авлоди», 2008 йил

ҲИКМАТ НАСИМЛАРИ


Гапнинг рости, ушбу мажмуани ўқиб, роса маза қилдим. Айниқса, Исмоилжон Алиев ва Ҳабибуллоҳ Исомиддинларнинг битиклари, шеърлари менга қаттиқ таъсир қилди. И.Алиевнинг ҳар бир қатрасидан ҳикмат ёғилмоқда. Ҳабибуллоҳ аканинг шеърлари эса шаклан пишиқ-пухта, фалсафий мушоҳадаларга бой. Энг асосийси, бу шеърларда умумбашарий «юк» бор.

Комилжон Ҳақимов ва Абдуғани Абдуллаевнинг ёзма шеърлари ҳам ўзларига яраша кузатишларининг маҳсулидир. Абдуғани аканинг «кулгулари» эътиборга молик.

Бу муаллифларнинг барчалари узоқ йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилган фидойи, табаррук ва донишманд инсонлардир. Бундайин донишмандлик йиллар оша шаклланади ва у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эҳтимол, бу битикларда нуқсон ва камчиликлар ҳам бўлса бордир. Аммо, менимча, бу муҳим эмас. Муҳими, уларда чинакам инсоний дардлар, миллатимиз тақдирига қайғуриш каби олижаноб туйғулар бор, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган устоз муаллимларнинг ибратли хулосалари мавжуд. Биз учун, ўқувчи учун ана шуниси қадрли, менимча. Барчага бу ҳикмат насимлари хуш ёқади, дея умид қиламан.

Мен бу эъзозли отахонларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, қаламлари янада сермаҳсул бўлишини тилаб қоламан.

*Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси*



ИСМОИЛЖОН АЛИЕВ

1931 йилнинг 31 декабрида Андижон туманининг Завроқ қишлоғида туғилган. 1954 йилда Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. 1961 йилгача Булоқбоши туманидаги мактабларда ўқитувчилик қилди. Кейинчалик, Андижон туманидаги 3-, 5-сонли мактабларда ишлади, ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Ҳозир нафақада.

Исмоилжон Алиевнинг «Асал нон», «Маиғала ёғдуси», «Ибн Сино издоши», «Раҳим тулки» каби китоблари нашр этилган.

ҚАТРАЛАР

ШАВҚ БИЛАН...

Икки дўст учрашиб қолди. Салом-алиқдан сўнг бири иккинчисининг юзига тикилди.

– Анча бўлди-а, кўришмаганимизга?

– Шунга тикилиб қараяпсизми, – деди дўсти унга жавоб қилиб.

– Мен кеча икки ҳадис ўқидим. Шунга амал қиляпман! Айтайми?

– Ҳа, айтинг-да!

– Аллоҳ бир ҳадиси қудсийда «Мен хўблар жамолига яширинганман», деган экан. Пайғамбаримиз (с.а.в) эса бир ҳадисида «Бир кишининг биродарига шавқ билан боқмоғи, менинг ушбу масжидимда бир йил эътикоф ўтирмоқдан кўра яхшироқ, хайрлироқдир», деб таъкидлаган экан. Шу ҳадислар боис сизнинг юзингизга муҳаббат билан боқдим-да!

– Жуда зўр ҳадислар экан. Мен ҳам бу ҳадисларга амал қилиб, сизнинг юзингизга – дийдорингизга бир тўйай!

Икки дўст бир-бирининг юзига шавқ ила боқишди.

ОНА МЕҲРИ

Она ўғлини мактабга кузатгач, у ётган кўрпачани «Ўғлим мактабдан қайтгач, иссиқ кўрпада ҳордиқ чиқарсин», деб кункай жойга ёйди. Сўнг уй иши билан банд бўлди... Вақт ўтди! Қуёш оғди. Она «Вой, эсим қурсин!», дея шошилиб кўрпачани олди ва ўғлининг жойига олиб бориб ростлади-ю, бир зум дам олмоқчи бўлиб, кўрпачага шундай ёнбошлаган эди ҳамки, билагига жиз этди. Онанинг аъзои баданига ўт кетди. Шошиб қўлини силтади. Ерга нимадир шоп этиб тушди.

– Вой, – деди-да, она тошни олиб уни урди... Оғриқ кучайди. Она билагини ушлаганча «Хайрият, хайрият!» – дер эди, холос. Шу пайт ўғли мактабдан келиб қолди. Онасининг нохуш кайфиятини кўриб, қўрқиб кетди:

– Ойижон, тинчликми ўзи? Нега безовтасиз?!

– Қўрқма, болам. Ҳеч нима бўлгани йўқ. Бир зумда ўтиб кетади. Хайрият-хайрият!

– Хайрият, хайрият дейсиз, холос. Нима бўлди ахир! Айтсангиз-чи, ойижон?!

– Хайрият-хайрият, ўғлим! Сени эмас, мени чақди, – дея она тош ёнидагини қўли билан кўрсатди. Бола унга тикилди.

– Оҳ, ойижон! Газанда-ку!! – дея бола йиғлаб юборди ва уй ичидаги «Аптечка»га югурди.

*Она шундай улуг фидойи инсон,
Фарзанд учун тайёр бермоққа ҳам жон!*

ЖОН ОЗИФИ

Маҳалланинг зиёли бир хонадониди тенгқурлар тўпланди, суҳбат роса қизиди. Домла масалага тушди. Шу пайт кимдир чақириб қолди. Хонадон соҳиби чиқиб, бир одамни бошлаб кирди. Келган киши ўтирганларга таниш. «Динг қулоқ» деб ном олган. У ўтирибоқ суҳбатни бўлди:

– Гапни тўхтатиб туринглар! Менга қулоқ солинглар! Шу хонадонда маҳалланинг анчагина одами тўпланганини эшитиб, шу томон шоқдим. Сизларга етказиб қўяй. Шу ой охирида бир офат юз бериб, танглик-қаҳатчилик бошланармиш. Мен буни ишончли одамдан эшитдим. Сизларга етказиб қўйяпман! Бундан ташқари...

– Гапни тўхтатинг! – дея бир йигит унга юзланди. – Одамларни ташвишга солувчи олди-қочди миш-мишларга бу даврада ўрин йўқ.

Дадил йигит домлага қаради:

– Домлажон, масалани давом эттиришингизни сўраймиз.

– Ҳозир икки ҳадис ёдимга келиб қолди, – деди домла. – Шунга айтайми?

– Айтинг-айтинг, домлажон, – дейишди кўпчилик.

– Хўп, айтай, – дея домла ҳадисни бошлади. – Пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳадиси. Биринчиси: «Одамлар билан сўзлашганда уларни ташвишга туширадиган сўз сўзламангиз!» Иккинчиси: «Бировнинг кўнглини ғаш қилувчилар биздан эмас!» Яъни мўмин эмас! Бу ҳадислар ҳозирги ҳолатга жуда тушдимми?

– Ҳа, жуда-жуда. Бир таъкид сабоқ бўлди. Бу ҳадисларни ёдлаб олмоғимиз ва унга амал қилмоғимиз зарурдир, – дейишди суҳбатдошлар.

Давра аҳли ҳалиги динг қулоққа маъноли қаради. Тўридагиларнинг бири сўзлади.

– Бу ҳадисни яхши билиб олинг, сизга ҳам жуда нафи етади. Миш-миш тарқатишдан тийиласиз!

Динг қулоқ қотди-қолди.

Домла бу икки ҳадисга доир фикрини яқунлади:

– Ҳозирги ҳадис барчамизга тегишли, албатта! Одамлар орасида бўлганимизда яхши гапимиз бўлса, гапирайлик! Бўлмаса, маъноли ва ёқимли сўзловчиларга қулоқ тутайлик.

Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош қозиғи-да!

«ХУНАРНИ АСРАБОН...»

Дилшодни отаси ҳунарга берди. Ойлар, йиллар ўтди. У яхшигина наққош бўлди. Ишлай бошлади. Топиши ёмон эмас... Бир кун суҳбатда тенгқурларидан бир гуруҳи уни чалғитди:

– Эй, Дилшод! Юрасанми машаққатли иш қилиб, пул топишининг осон йўллари ҳам бор. Мана биз четга бир йилда икки, уч бориб келамиз. Пулми...

Дилшод ўйланиб қолди... Отасига ёрилди:

– Отажон, наққошлик анча машаққатли ҳунар. Келиб-келиб шуни ўрганибман-а? Пул топишининг осон йўллари ҳам бор экан-ку!.. Бу ҳунарни ташламоқчиман!..

Отаси ерга қараб жим қолди. Сўнг ўғлига боқди.

– Ўғлим, ғайрилар сени йўлдан урибди шекилли. Бир яхши ишлаётган эдинг. Ҳа, барча ҳунарнинг ҳам ўзига хос машаққати бор. Ўзинг биласан, мен косибман. Шу игна, бигиз билан рўзғор тебратдим. Кам бўлмадик. Косиблик ҳам сермашаққат. Аслида машаққатда гап кўп. Халқимиз «Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас» деган ҳикматни бежиз айтмаган.

Ҳазрат Навоий достонининг қаҳрамони Фарҳод шаҳзода эди. У кунт, чидам билан тош йўниш, тошга нақш солиш ҳунарини ўрган-ди-я! «Бу машаққатли ҳунар» демади-ку! «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққами кетгумдир охир?!» дея ишга киришди-а?!

Инсон оламни безаш ишига ҳисса қўшиш, ўзидан хайрли из қолдириш учун ҳаётга келади. Икки дунё саодати ҳам ҳунардан унади! Сен ҳам ҳунар билан элга наф етказишга кириш. Ҳазрат Навоийнинг:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,

Билки бу нафъ ўзингга кўпракдурур.

деган байтини ёд ол, маъносини чақ! Ғайрилар гапига учма, ўғлим. Гапни уққандирсан?!

– Уқдим, отажон! Сиз менинг руҳиятимни кўтардингиз, ҳунаримга муҳаббатим янада ортди. Элим, юртим учун ҳунаримни ишга солганим бўлсин.

Мўъжизадир илм ва ҳунар,

Бахту иқбол шундан ҳам унар!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1914> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1914> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1914>